



ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ДУНЁНИ ХАВОТИРГА СОЛМОҚДА

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Дубайда ўтган Бутунжаҳон иқлим саммитида иштирок этди. Халқаро тадбирда сўзга чиққан Давлат раҳбари ўз нутқида дунёвий ишшни секинлаштиришнинг энг тезкор усулини тавсия қилди.

— Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатларимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Метан чиқиндиларини камайтириш дунёвий ишшни секинлаштиришнинг энг тезкор усулидир. Шу боис, Қозоғистон метан чиқиндиларини камайтириш бўйича дунёвий мажбуриятга қўшилишга қарор қилди. Айни пайтда минтақамиз мамлакатларида кўмир билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида Қозоғистон минтақада биринчи бўлиб “яшил” энергетика тизимига ўтиш тўғрисидаги (JETP) ҳамкорлик дастурини амалга оширмоқда. Биз ҳамкорларимизни ушбу икки ташаббусни қўллаб-қувватлашга қақирамиз, — деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев саммитдаги нутқида Марказий Осиё мамлакатлари ҳаво ҳароратининг 2,5 даражагача кўтарилиши муаммосига дуч келаётганига ҳам тўхталди.

— Кенг маънода, биз халқаро ҳамжамият иқлим дастурларига ажратиётган маблағ миқдорини ошириш бўйича ўз мажбурияти ижросини таъминлайди, деб умид қиламиз. Биз 2050 йилга бориб дунёвий ҳароратнинг 1,5 даражагача ошишини чеклашга муваффақ бўлган бўлсак-да, Марказий Осиё мамлакатлари ҳали ҳам ҳароратнинг 2,5 даражагача кўтарилиши муаммосига дуч келмоқда. Бу сув танқислиги, ҳаддан ташқари иссиқлик, чўлланиш ва экстремал гидрологик ҳодисаларга олиб келади. Шундай экан, биз бундай оғир вазиятдан қочиб қутула олмаймиз ва бунга мослашишимиз керак.

Яқин ўн йилликда ноёб минераллар карбонсизлаштириш учун бебаҳо захирага, Қозоғистон эса унинг отказиб берувчисига айланади. Қозоғистон БМТнинг келажақ авлодлар учун атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган аниқ чоралар кўриш ҳақидаги мурожаатини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Биз минтақада Париж меморандумини ратификация қилган биринчи давлатимиз ва 2060 йилгача углерод нейтраллигига эришиш стратегиясини қабул қилдик, — деди Давлат раҳбари.

Шунингдек, ҚР Президенти ўз нутқида Қозоғистоннинг янги Экологик кодекси миллий иқтисодийтимизнинг ҳар бир тармоғида “яшил” технологиялардан кенг фойдаланишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Мамлакатимиз шомол ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, шунингдек, “яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича бекиёс имкониятларга эга. Биз улардан унумли фойдаланишни давом эттирамиз. Қозоғистон дунёдаги етакчи уран экспортчиси. Шу билан бирга, мамлакатимиз дунё бўйлаб уран экспортининг 43 фоизини таъминлайди. Биз дунёвий миқёсда углерод чиқиндиларисиз электр энергияси ишлаб чиқаришда муҳим ўрин эгаллаймиз, — деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари Қ. Тўқаев саммитдаги нутқида Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш учун қўлроқ маблағ ажратишга қақирди.

— Орол бўйида денгизнинг куриб бориши муносабати билан халқаро, кенг қўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушулган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутди ва этибдорни қишлоқ ҳўжалигининг янада мувозанатли ҳамда илмий асосланган тизимига ўтиш, сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усулларини ишлаб чиқишга қаратади. Пировард натижада Орол танглигининг барқарор ривожланиши, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажақда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш юзасидан узоқ муддатли дастурни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур. Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш учун кўпроқ маблағ ажратишга қақирамиз. Маълумки, Орол денгизи ўз вақтида дунёдаги туртинчи йирик ички сув ҳавзаси эди. Қозоғистон келгуси йилда Жамғармага раислик қилади ва бу муаммони ҳал қилиш учун барча ҳамкорларни сафарбар қилишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси доирасида “Ягона сув манбаи” мавзуида биринчи саммит ўтади. Биз Франция билан ушбу учрашувга ҳам раислик қилаётганимиздан мамнунмиз. Бу йилги саммитнинг муваффақиятини инобатга олиб, барча иштирокчи мамлакатларни 2024 йил июнь ойида ташкил этиладиган Астана халқаро форумида иштирок этишга таклиф қиламан, — деди Давлат раҳбари.

Президент, шунингдек, Қозоғистон Марказий Осиёда иқлими муҳофаза қилиш бўйича фаолиятга янги суръат бағишлаш мақсадида 2026 йилда БМТ доирасида Қозоғистонда минтақавий иқлим саммитини ўтказишга қарор қилганини таъкидлади.

— Фавқуллода иқлим — бу дунёвий инқироз. Бутун дунё бунга қарши туриши керак, — деди Юртбоши.

Akorda.kz.

ҲУНАРМАНДЛАР
МАРКАЗИ
ҚАД РОСТЛАДИ

2-бет

БУНЁДКОРЛИК
ЛОЙИҲАЛАРИ
ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

3-бет

ҚОРАБУЛОҚ
ҲАҚИДА
ЯНГИ ФИЛЬМ

4-бет



TURKISTAN

Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 5 декабрь, сешанба, №136 (3332).

Президент

Қасим-Жўмарт Тўқаев Дубайда ўтган Бутунжаҳон иқлим саммити (COP28) доирасида Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг давлат органлари ва ишбилармон ташкилотлари ўртасида қатор келишувларни имзолаш маросимида иштирок этди.

Давлат раҳбари иштирокида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

1. Қозоғистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида шомол электр станцияси (1 ГВт) лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро битим.

2. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, «Ақтас Энерджи» МЧБ ва TotalEnergies ўртасида “Жамбил виллояти, Мирний қишлоғи ҳудудида 600 мегаватт-соат/300 мегаватт қувватли энергия аккумулятори тизимидан фойдаланган ҳолда умумий қуввати 1 ГВт бўлган шомол энергиясидан фойдаланадиган электр станциясини куриш ва ишга тушириш тўғрисида” лойиҳасини амалга ошириш учун сармоялар бўйича битим.

3. Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Самурық-Қазына” ХҲЖ ва Бирлашган Араб Амирликлари Инвестициялар вазирлиги ўртасида Қозоғистон Республикаси ҳудудида умумий қуввати 10 ГВт бўлган кам углеродли энергияни ривожлантириш бўйича ўзаро англашув меморандуми.

4. Qazaqstan Investment Corporation ва ADQ ўртасида

“ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” – КЕЛАЖАК ЭНЕРГЕТИКАСИ

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТОР ШАРТНОМАЛАРНИ
ИМЗОЛАШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



стратегик ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми.

5. “Самруқ-Қазына” ХҲЖ ва ACWA Power ўртасида энергия сақлаш тизимидан фойдаланган ҳолда умумий қуввати 1 ГВт бўлган шомол электр станцияларини куриш лойиҳасини биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги келишув.

6. “Самруқ-Қазына” ХҲЖ ва Presight.AI ўртасида рақамлаштириш ва ахборот технология-

лари соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида қўшма корхона яратиш бўйича битим.

7. «ҚазМунайГаз» МК» АЖ ва AD Ports Group ўртасида Қозоғистонда кема таъмирлаш ва кема куриш корхонасини ташкил этиш бўйича ўзаро англашув меморандуми.

8. «Қазақстан темір жолы» МК» ХҲЖ ва Abu Dhabi Ports Group ўртасида қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги битим.

9. “Атамекен” Миллий тадбиркорлар палатаси, «SAFC» МЧБ ва SEFE Marketing & Trading компанияси ўртасида ўрмон-иқлим лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

10. «Қазатомсаноат» ХҲЖ ва Emirates Nuclear Energy Corporation ўртасида табиий уран концентратларини экспорт қилиш тўғрисидаги битим.

Akorda.kz.

ХАЛҚАРО ЭКОСАЁҲАТ – ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДА



Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги буюртмаси ва Туркистон виллояти ҳокимлиги шафелигида «Kazakh Tourism» МК» ХҲЖ томонидан ижодий туризм йўналишини бўйича Turkistan Travel fest кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мавзусини тарғиб қилишга қаратилган бадийий тасвир фестивалидан бошланди.

“Карвонсарой” сайёҳлик мажмуаси ҳудудида Made in KZ фестивалъ-ярмаркаси ташкил этилиб, унда қозоғистонлик ишлаб чиқарувчилар, дизайнерлар, ҳунармандлар ва заргарлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Шунингдек, ушбу мажмуа ҳудудида Street Performance Fest фестивали ўтди.

26 ноябрдан 1 декабргача виллоятда Қозоғистон, Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистондан касбий автосаёҳатчилар иштирок этган



экспедицион-экологик автосаёҳат ўтди. Экспедиция йўналиши минтақанинг диққатга сазовор жойлари: Оқмасжид ғори, Ленгер (Бургулик), Ақсу-Жабағли, Қазигурт, Сариеғоч, шунингдек, тарихий ва маданий обидалар: Арслонбоб мақбараси, Саврон, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, Култўбе орқали ўтди.

Туркистондаги “Конгресс-холл” марказида якуний тадбир

– Kazakhstan Creative Tourism Forum 2023 анжумани ўтди.

– Президентнинг бунёдкорлик соҳасини ривожлантириш юзасидан топшириқлари доирасида Туркистонда ижодий саноат фестивали ўтказилди. Давлатимиз томонидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда бу соҳани ривожлантириш жуда муҳим. Мазкур тадбирлардан кузланган мақсад минтақада иқтисодий

фаолликни рағбатлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, виллоятнинг сармоявий жозибadorлигини оширишдан иборат, — деди ҚР Туризм ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари Ержан Еркинбаев.

Туркистон виллояти тарихий ва маданий меросга бой ўлка. Виллоят ҳудудида 1663та тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Минтақада сайёҳлик соҳаси уч йўналишда жадал ривожланмоқда. Хусусан, тарихий сайёҳлик Туркистон, Кентов, Ўтрор, Ўрдабоши ва Байдибек туманлари шаҳарлари, шунингдек, Сариеғоч курортларида соғломлаштириш туризми, Тулкибош, Тўлебий ва Қазигурт туманларида экологик сайёҳлик йўналишлари фаол тараққий этмоқда.

Умуман олганда, Туркистон виллоятида сайёҳлик соҳаси тарихий-маърифий, даволаниш-соғломлаштириш ва экологик сайёҳлик йўналишларида ривожланмоқда.

24.kz.

“Жанубий Қозоғистон” – ҳар бир хонадонга!

МАЪРИФАТ УЛУҒЛАНСА, ТАФАККУР ЮКСАЛАДИ

Дилларда байрам шукуҳи, халқимиз қалбида қувонч ва ҳаяжон тўла яшаш ҳамда яратиш оръуси мавжланмоқда. Ўтаётган ҳар бир кунимиз Қозоғистон Мустақиллигининг 32 йиллигига яқинлаштирмоқда.

Мустақиллик тенгдоши бўлган «Жанубий Қозоғистон» газетаси ўтган даврда минтақа халқига кўпдан-кўп хизмат қилган маёқ бўлди, муштарийлар унинг

зиёсидан баҳраманд бўлиб, маънавий озуқа, руҳий куч, ҳаётий сабоқ олдилар. Биз каби жонкуярлар сайъ-ҳаракатлари билан суюкли нашримизнинг адади ортаверсин. Обунада ҳамжиҳатликда фаол бўлайлик, азиз муштарий!

Махсуда МИРҲАКИМОВА,
Ал Форобий номли мактаб ўқитувчиси.
Тўлебий тумани.



6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ХҲЖ орқали –
Туркистон виллояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ТУРКИСТОНДА МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИ РИВОЖЛАНАДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Малайзиядан ташриф буюрган сармоядорлар билан учрашди.

Сиёсий-иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришган Малайзиянинг Joinland Group компаниялар гуруҳи директори Яп Леонг Чай ва Arjuna Asia Яп Leong компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори Доминик Синаппан бошчилигидаги делегация вакиллари Туркистон вилоятининг сармоявий салоҳияти билан танишди.

Меҳмонхоналар, тадбиркорлик мажмуалари

ва уй-жойлар қурилишида етакчи йирик компаниялар раҳбарлари Туркистондаги “Янги шаҳар” ҳудудида халқаро андазаларга мувофиқ 20 қаватли меҳмонхона қуришни режалаштирмоқда.

Ишбилармонлар билан учрашувда Туркистонда сайёҳлик тармоғини ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинди ва сармоялар ажратиш учун асосий йўналишлар белгиланди. Хусусан, меҳмонхона бизнеси, тоғчанғи спорти ва тиббий сайёҳлик соҳалари имкониятларидан самарали фойдаланишга келишилди.

ПРОКУРАТУРАНИНГ ЯНГИ БИНОЛАРИ ОЧИЛДИ

Мақтаарал ва Саврон туманида прокуратуранинг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Мирзакентдаги марказий майдонда жойлашган замонавий иморатнинг очилиш маросимида Туркистон вилоят прокурори Мурат Тлеубердиев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуралхан Кўшеров, туман ҳокими Бақит Асанов, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, туман маслаҳати депутатлари, давлат хизматчилари, фахрийлар иштирок этишди.

Тадбирда вилоят прокурори, вилоят ҳокимининг ўринбосари,



туман фахрийлар кенгаши раиси, қад ростлаган замонавий бинода адолатли қарорлар чиқарилишига умид билдиришди.

Шу куни Саврон туманида ҳам туман прокуратурасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тадбирда вилоят прокурори Мурат Тлеубердиев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, туман ҳокими Мақсат Танатаров, туман маслаҳати раиси Сержан Байсаев қатнашди.

М. Тлеубердиев ва туман фахрийлар кенгаши раиси Сейилхан Ахметов юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига тўхталиб, бино ҳовлисига кучат ўтказишди.



ҚАТАҒОНГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН



Туркистон шаҳридаги Х. А. Ясса-вий номли ХҚТУда “1920-1950 йиллардаги Сталин қатағонлигининг оқибатлари” мавзuida республика илмий-амалий анжумани ўтди.

Тадбирда профессорлар Хазретали Турсин, Дўсай Кенжетай, Забираш Адилбекова, тарихчи-доцентлар Лаззат Динашева, Ақмарал Сандибаева, вилоят ижтимоий-сиёсий тарихий давлат архиви раҳбари Гулнар Шардарбекова, “Туркистон вилояти давлат архиви” ДКК раҳбари Айдин Исатаева ҳамда қатағон масаласи билан шуғулланаётган вилоят комиссияси ва ишчи гуруҳ, докторантлар ва магистрантлар иштирок этди.

Учрашувда олимлар “Сталин ҳукмронлигининг динга доир сиёсати оқибатлари”, “Сиёсий қатағон тарихини музейлаштириш ҳамда абадийлаштириш” мавзуларида маъруза қилишди.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНАДИ

ҲУҚУҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ БОШЛАНАДИ

Бу ҳақда брифингда Туркистон вилояти Давлат даромадлари бошқармаси раҳбари Мейрамбек Кўкенов маълум қилди.

ҚР Қонунига мувофиқ, солиқ Кодексига ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялашни тўрт bosқичда амалга ошириш назарда тутилган.

– Бугунга қадар жараённинг икки bosқичи якунланди ва вилоятимизнинг қарийб 300 минг солиқ тўловчиси декларацияланди. Учинчи bosқич 2024 йилда бошланади. Унда ҳуқуқий шахслар раҳбарлари, муассислари ва уларнинг турмуш ўртоқлари, хусусий тадбиркорлар ва уларнинг турмуш ўртоқлари декларацияни топширишлари шарт. Ва охириги тўртинчи bosқичда, 2025 йилдан бошлаб фуқароларнинг қолган тоифалари, яъни 18 ёшга тўлган мамлакатнинг барча аҳолиси декларация топширади, – деди бўлим раҳбари.

Декларацияни электрон шаклда солиқ тўловчилар кабинети «cabinet.salyk.kz», «Электрон ҳукумат» портали «egov.kz» ва мобиль иловалар «eSalykmobil» ҳамда «eGovmobile» орқали топшириш мумкин.

ИНТИЛГАННИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Ўрдабоши туманида сармоя штабининг навбатдаги йиғилиши ўтди. Унда бўлим раҳбарлари ва қишлоқ ҳокимлари, хусусий тадбиркорлар ҳамда сармоядорлар иштирок этди. Тадбирда ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти, улардаги инфратузилма масалалари кўриб чиқилди. Ўрдабошининг ишлаб чиқариш тимсо-

лини шакллантириш, ривожлантириш ва янги лойиҳалар ҳамда уларнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Учрашувда туман ҳокими Азат Ўралбаев «Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой» транспорт йўлагига туташ 10 гектар майдонда ўз касбини очмоқчи бўлган тадбиркорлар билан учрашди ва давлат

томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳақида маълумот берди.

Туман ҳокими тадбиркорлик бўлимига келгусида тадбиркорлар учун мулоқот майдончасини ташкил этишни топширди. Кичик ва ўрта тадбиркорлиқни ривожлантириш борасидаги ишларни фаоллаштиришни топширди.



ҲУНАРМАНДЛАР МАРКАЗИ ҚАД РОСТЛАЙДИ

Туркистон шаҳри “Ўтрор” кичик туманида жойлашган кўп қаватли 20та уйнинг қурилиши жадал юритилмоқда. Ушбу иншоотда 800та квартира мавжуд.

Ҳар бир уйда 40тадан хонадон жойлаштирилди. Бошпана қурилиши келгуси йилда якунланиб, фойдаланишга топширилади. Минтақада эл манфаати учун турли иншоотлар қад ростламоқда. Шулардан бири – ҳунармандлар марказидир. Иншоот келгусида бозор, ресторан, меҳмонхона, автотураргоҳи бор улкан марказга айланади. Марказда 20 нафар ҳунарманд фаолият юритади.



КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

Сайрам тумани, Қайнарбулоқ қишлоқ округи, Қасимбек Датқа қишлоғидаги марказий истироҳат боғига мингдан зиёд туп кўчат ўтказилди. Хайрия тадбирига туман маслаҳати депутати Сиқимбай Сағиндиқов ташаббускор бўлди.

Шанбаликда туман ҳокимининг ўринбосари Мадияр Ўразалиев, вилоят маслаҳати депутати Нуржан Жамалбеков, туман маслаҳат котиби Шамхат Холмуродов, туман маслаҳати депутатлари, қишлоқ оқсоқоллари ва ёшлар иштирок этди.

Сайрам туман ҳокимининг матбуот хизмати.

САЙЁР УЧРАШУВ ЎТДИ

Сариоғоч тумани раҳбари Арман Абдуллаев Куркелес қишлоқ округи, Береке аҳоли манзили аҳолиси билан учрашди. Сайёр учрашувда мутасадди бўлим раҳбари ҳамда пудратчи муассаса вакили қатнашди.

Фуқаролар томонидан газ киритиш масаласи кўтарилди. Туман раҳбари Арман Абдуллаев фуқароларнинг таклиф ва мурожаатлари бўйича пудратчи ташкилот вакилига юклатилган ишларни муддатида бажаришни топширди. Шунингдек, ушбу масалани шахсан ўзи қатъий назоратга олишини таъкидлади.

Сариоғоч туман ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Қозоғистон Мустақиллигига – 32 йил

ХҲУРМАТ ҚИЛСАНГ –
ХҲУРМАТ КҲҲРАСАН

ЁКИ ҲАР БИРИМИЗГА
ТААЛЛУҚЛИ МАСЪУЛИЯТ

“Жанубий Қозоғистон” нашри – мамлакатимиз мустақиллигининг меваси. Газетанинг собиқ бош муҳаррир – директори Алишер Сотволдиев ҚР Сенати депутаты сифатида фаолиятини самарали давом эттирмоқда. Мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Туркистон вилояти беш ёшдан ошди. Табаррук Туркистон шахри жаҳон туризм маркази ва туркийлар олами маънавий пойтахти мақомига сазовор бўлди.

Муборак ҳаж сафарига вилоят маркази Туркистон шахрида барпо этилган халқаро аэропорт орқали тайёралар парвоз қилмоқда. Мактабларда давлат тили билан бирга этносларо мақомга эга рус, жаҳон тили англисча ҳамда она тилимизда машғулотлар ўтилмоқда. Яқинда вилоят маркази Туркистонда минтақа раҳбари ҳамда этномаданият бирлашмалари раҳбарлари, “Ўлес” хайрия бирлашмаси раҳбари Райимжон Қўчқоровнинг фаол иштирокида “Дўстлик уйи”-нинг тамал тоши қўйилди. Шимкентдаги ўзбек драма театри биносида анъанавий “Офарин” фестивали муваффақиятли ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз, Қозоғистон халқи Ассамблеяси раиси Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаевнинг Қозоғистон халқиға йўллаган ҳар бир Мақтубида дўстлик, тотувлик, бирлик, ёшлар тарбияси устувор мақсад этиб қўйилади. Ҳаётимиз тинч, халқимиз меҳнатимизга яраша фаровон, истиқболга ишонч билан яшаяпти. Доимий жонқуяр обуначиларимиз, хусусан, Туркистон шахар ва Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари Баҳодир Ирисметов, Қўрбонбой Ирисбековларнинг серкира фаолиятида эл бирлиги мақсади устун. Шу муҳим неъматлар равнақиға муносиб ҳисса қўиш ҳар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиз. Шукрона айтсак арзийди. Газетамизнинг октябрь ойидаги сонида вилоят ҳокимлиги жамоат тотувлиги бошқармаси томонидан эл бирлигини мақсад тутган навбатдаги улкан анжуман тафсилоти баён этилди. Замонавий ижтимоий тармоқ тизими, унинг хизматида қўйилган баробарида фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг қонун олдидаги жавабгарчилиги ҳам мавжудлигига теран ургу берилди. Анжуманда муҳбир сифатида иштирок этиб, суд, прокуратура, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг ҳаётий маърузаларини диққат билан тингладим.

Ижтимоий тармоқ орқали ўзининг ноўрин фикрини кўпчиликка эълон қилиш орқали миллий низо туғдириб, Қозоғистон қонунчилигига зид ҳаракатларға йўл қўйган шахсларға нисбатан қўрилган маъмурий жазолар, хусусан, ҚР Жиноий кодексига мувофиқ, олти йилгача озодликдан маҳрум қилинган фуқароларнинг қисмати мисол сифатида келтирилди. “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқур”, дейди доно халқимиз. Қозоғистон давлат Мадҳиясида “Бирлиги ярашган элим бор”, деган пурмаъно сатрлар бор. Бу жумлада давлатимиз сиёсатининг асоси – бирлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик неъматлари ўз ифодасини топган. Қийинчиликларни доим бирлик, тотувлик билан енгиб келдик. Келгусида ҳам шундай бўлади. Лекин... шахар бедарвоза эмас. “Кўпчиликка тупроқ сочма”, “Аввал ўйла, кейин сўйла”, “Сўнгги пушаймон – ўзингга душман”, деган нақлларни ҳаётға, жамиятға бепишандлик билан қараётган ёшларнинг ёдиға яна бир қарра солиб қўйишни лозим топдик.

Қонун – барчаға баравар. “Жанубий Қозоғистон” газетасини доимий мутлоаа қилиб келаётган муштарийларимиз давлатимизнинг сара сиёсати, унинг бунёдкорлик режаларидан ҳамда баъзи фуқароларимизнинг лоқайдлиги сабаб жамиятимизни ташвишлантираётган муаммолардан теран хабардор. Тинчлик, тараққиёт, ободончилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч барқарор бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ИСТЕЪДОДЛАРГА ЭХТИРОМ

Туркистон вилояти 5 йиллиги ва Сўзоқ туманининг 95 йиллиги доирасида маданий меросимизни ардоқлаб, маданиятимизни юксалтиришға йўналтирилган “Сўзоқ истеъдодлари – 2023” халқ санъати танлови поёниға етди.

Тантанали тадбирда туман ҳоқими Муҳит Турисбеков иштирок этиб, танлов ғолибларини тақдирлади. Шу билан бирга, таниқли журналист, бир неча китоблар муаллифи “Созақ ўны” газетасининг масъул котиби, “Оңтўстік Қазақстан” газетасининг муҳбири Мақсат Қарғабайға Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлигининг “Маданият соҳаси илғори” кўкрак нишони ва туман “Мыңжылқы” маданият саройи директорининг ижод йўналишидаги ўринбосари, вилоят республика, халқаро танловлар лауреати Айдўс Бағдатулиға “Янги Қозоғистон” республика жамоат бирлашмасининг “ҚР Маданият ва санъат соҳасининг илғори” кўкрак нишони топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

• Ёднома



Саврон тумани, Югнак қишлоқ округида Чипон қишлоғида истиқомат қилган, нафақадаги тажрибали ветеринар Мухториддин Убайдуллаев (тасвирда) 68 ёшида оламдан ўтди.

МУХТОРИДДИН
ИКРОМ ҲОЖИ ЎҒЛИ

М. Убайдуллаев 1955 йили Чипон қишлоғида туғилди. “Коммуна”, ҳозирги А. Югнакий номли ўрта мактабни аълоға тамомлаб, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетида олий маълумот олди. Колхозда чорвачилик соҳасида самарали меҳнат қилди, бош ветеринария шифокори лавозимида ишлади. Умр йўлдоши Гулчеҳра Исо қизи билан қобил фарзандлар – тўрт ўғил, икки қиз тарбиялаб, вояға етказди. Меҳнатлари қишлоқ, туман, вилоят миқёсида ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари томонидан муносиб тақдирланган. Жамоат ишларида фаол, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг жонқуяр обуначиси эди. Мазкур мусибат муносабати билан марҳумнинг oilаси, қариндош-уруғлари, ука-сингилларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор қиламиз. Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсин. Мухториддин Икром ўғли Убайдуллаевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда сақланиб қолади.

Баҳодир ИРИСМЕТОВ,
Қўрбонбой ИРИСБЕКОВ,
Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Иброҳим ОТАЖОНОВ,
Жумадулла АБЕНОВ,
Нурсултон АБДУЛЛАЕВ,
Хусан УБАЙДУЛЛАЕВ,
Райимжон ҚҲЧҚОРОВ.

БУНЁДКОРЛИК
ЛОЙИҲАЛАРИ
ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

“AMANAT” партияси Сайрам туман филиали ижроия котиби Қуаниш Адирбекули ташаббуси билан вилоят маслаҳати депутаты, фракция аъзоси Нуржан Жамалбеков, туман маслаҳати депутатлари, фракция аъзолари Бегзат Сайдирахимов, Ержан Асқаров, Нуржан Абдиқадиров, партиявий назорат комиссияси аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари туманда барпо этилаётган қурилиш иншоотларига ташриф буюришди.

Улар дастлаб Қорасув қишлоғидаги “Ақбай-Қарасу” каналдаги вазият билан танишдилар. Пудратчи – “Тўран Су” ДҚМ муассасаси, буюртмачи – Сайрам туман қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик бўлими, лойиҳа қиймати – 527 млн. тенге. 2023 йили октябрь ойида бошланган қурилишни 2024 йилгача якунлаш кутилмоқда. Бугунги кунда ишлар жадал давом этаётгани, барча талаблар асосида иш олиб борилаётгани ва ажратилган маблағ тўлиқ ўзлаштирилаётгани маълум бўлди.

Навбатдаги иншоот – Қорасув қишлоғидаги спорт мажмуасининг қурилиши давом этмоқда. Буюртмачи – Сайрам туман қурилиш, меъморлик ва шаҳарсозлик бўлими. Пудратчи – “НурТехСервис” МЧБ, техник назоратчи – “ЮГТехНадзор” МЧБ, муаллифлик назоратчиси



– “А Строй Проект” МЧБ. Лойиҳа қиймати – 656668812,97 тенге. 2023 йил апрелда бошланган қурилишни 2024 йилнинг июнь ойида якунлаш режаланган. Бугунги кунда иншоот қу-



Навбатдаги иншоот – Манкент қишлоғининг Қоратўбе кўчасидаги 600 ўринли “Айнабулак” мактаби. Пудратчи – “Строй Экспресс РК” МЧБ, техник назоратчи – “Шымкент Қўрделі Қўрылыс” МЧБ, муаллифлик назоратчиси – “А Строй Проект”. Қурилиш қиймати – 2326971979,36 тенге, 2022 йил июлда бошланган қурилишни якунлаш 2024 йилға мўлжалланган. Қурилиш ишлари режа асосида, белгиланган муддатда ва ажратилган маблағлар асосида олиб борилаётгани маълум бўлди. Мазкур қурилиш иншоотлари ва ажратилган маблағларнинг сарфланиши “AMANAT” партияси тафтиш-назорат комиссияси назоратида бўлади.

З. МҲМИНЖОНОВ.

ИҚТИДОРЛИ
МУАЛЛИМА



Танлов талабларига кўра, иштирокчиларнинг тарих соҳасидаги билими, педагогик-руҳий саводхонлиги, ижодкорлик қирраларини аниқлаш, янги технологиялар даврида келажак авлоднинг тарбияси ва билим олишиға алоҳида эътибор қаратиши, янгиланган таълим дастуридаги тажрибаси, санъатға ошно бўлиши, миллий куй-қўшиқларни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг мусиқа фанига қизиқтириши инobatға олинди. Ва, унда иштирок этган устозлар ҳақиқатан ҳам амалий тажрибаларида ижодиётни қўллаб-қувватлаётганининг гувоҳи бўлдик.

Иштирокчилар, даставвал касбий маҳорати, ижодкорлиги, етакчилик қобилиятларини намoён этиб, ҳайъат аъзолари ва томошабинларға ўзларини таништиришди.

Танловнинг “Муаллимнинг бир куни” мавзуидаги видеолавҳалар танлови тадбирға ўзгача файз бағишлади. 5 дақиқали видеолавҳада ҳар бир ўқитувчи ҳаётидаги бир кунини қандай муҳим вазифа ва бурч-

ларни адо этиш учун сарфлашаётганини ёритишға ҳаракат қилишди.

Мактабимиздан ёш мутахассис сифатида иштирок этган М. Абдуғаффорова шеърий мисралар билан, даставвал, ўзини таништирди, сўнг видеолавҳада бир кунлик фаолиятини акс эттирди. Тадбирнинг учинчи шартига кўра, бўш вақтини санъат билан ҳамнафас ўтказишини исботлади. Жозибали овози билан кўшиқ ижро этиб, тадбирға ўзгача шуқуҳ ва файз бағишлади. Ҳамкасбимизнинг саъй-ҳаракатлари беиз кетмади. Мунаввархон совринли 1-ўринға муяссар бўлди. Мактаб директори Баҳром Мирзаев раҳбарлигидаги жамоамиз номидан ғолиб ҳамкасбимизни табриклаб, фаолиятиға муваффақиятлар тилаймиз.

Меҳрибон МАМАТИРЗАЕВА,
Қарноқ қишлоғи 11-сонли
Охун Тума номидаги умумтаълим
мактаб директорининг бошланғич
синфларда таълим
ишлари бўйича ўринбосари.

»»Яхшилар ёди

УМР ЎТМОҚДАДИР...



Икки йил муқаддам Саврон тумани Янги Иқон қишлоғидаги фахрий обуначимиз Мирсоли Ўрмон ўғли хонадонидаги уй тўйи тантанасига Туркистон шахридан келган меҳмонлар Қур-

бонбой Ирисбеков, Аваз Айметов, Худойберган Холметовлар ҳамроҳлигида ташриф буюргандик. Фаоллар Бобожон Ёқубов, Азизхон Абдуғаффоров, Олим Қосимов, Абдуқодир

Хидиралиевлар билан бирга хонадон соҳибини муборакбод этиб, мукофотлар топширганимиз ҳам ўтмишнинг ширин хотирасига айланди.

Мирсоли акани муҳбир Шомирза Мадалиев фарзандлари, қариндош-уруғлари, умр йўлдоши билан бирга тасвирға олганди. Тасвирлар тарихға айланди. Мирсоли Ўрмон ўғлининг фонийдаги хайрли ишларини эндиликда фарзандлари давом эттиради, деб ишонамиз.

Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Янги Иқон қишлоқ
ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.
Ш. МАДАЛИЕВ тасвири.

Табриқлаймиз!



Жамоат арбоби, "Жанубий Қозоғистон" газетасининг собиқ бош муҳаррири, Қозоғистон Республикаси Парламентининг икки қарра собиқ депутаты Фахриддин Қоратоевни қутлғи 60 ёши билан табриқлаймиз.

Ф. Қоратоев 2004 йилдан 2006 йилгача раҳбарлик қилган ва 2015 йилдан тақоран «Жанубий Қозоғистон» газетасини бошқарган даврида ташкилотнинг моддий-техник базаси мустақамланди. Янги рукнлар яратилди.

“Яхшилар ёди» руқни орқали ҳаётдан кўз юмган кўплаб аждодларимиз тақор хотирланди. Газета ишига оммани жалб этиш учун ҳаракатлар давом этди. Жамоатчи муҳбирлар сони ошди. Сайрам, Туркистон, Кентов, Саригоч, Мақтааралларда учрашувлар, йигинлар уюштирилди. Санъаткорлар билан биргаликда амалга оширилган тадбирларда минглаб муштарийлар иштирок этишди. Тахририят тавсиясига кўра, фаол муштарийларимизнинг 200 нафардан ортиғи вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги давлат ва жамоат ташкилотларининг мукофотлари билан тақдирланди. Кўпчилик билан ишлаш самарасини кўрсатди: 2016 йилни «Жанубий Қозоғистон» салкам 16 000 нуҳалик кўрсаткич билан бошлади.

Хурматли Фахриддин Абдунаби ўғли! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Фаолиятингиз ҳамиша жамият манфаатиға қаратилган бўлиб, шахсий ҳаётингизда бахт ва умид нури доим порласин. Фарзандларингиз роҳатини кўринг. Сизға узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб қоламиз!

Тахририят.

»» Мурувватға миннатдорчилик

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМГА
РАҲМАТ

Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон тумани Қорачиқ қишлоғида туғилиб ўсдим. Падари бузрукворим УВУ жангарида ҳалок бўлган. Донгдор “Победа” колхозида тинимсиз меҳнат қилиб, бир мавсумда кўлда 18 тонна пахта терганим шонли тарих. Меҳнатларим инобатга олиниб, Қозоғистон ССР Олий Кенгашиға депутат бўлиб сайландим. Меҳнат Қизил Байроқ, Хурмат белгиси орденлари, медаллар билан тақдирландим.

Ҳозир нафақадаман. Анча йил муқаддам катта ҳожилик сафарига бориб келгандим. Яқинда умра ҳаж сафарига ҳамқишлоғим Саид Ҳайруллоҳ ҳомийлигида бориб келдим. Колхоз томонидан қўрилган, кўмир ёқиб иситиладиган уйға Саврон тумани маслаҳати депутати, тадбиркор Азиз Ҳабибулла ўғли ҳомийлигида табиий газ киририлиб, зарур ашёлар ўрнатилиб берилди.

Ҳимматли ҳамқишлоқларимға миннатдорчилик билдириб,



Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, ишларига омад-саодат тилайман.

Махфират ҲАЁТОВА,
Қозоғистон Олий Кенгашининг собиқ депутати.
Ш. МАДАЛИЕВ тасвири.

ЁШЛАР УЙ СОВҒА ҚИЛИШДИ

Арис шаҳриға қарашли Ақдала овули ёшлари (1981-2002 йилларда туғилган) муҳтож Ўткелбаевлар оиласига уй совға қилишди. Оила боши соғлиғи туфайли меҳнатға ярамайди. Улар аввал ижара уйларда истиқомат қилишган.

Янги бошпанға эға бўлган оила аъзолари ёрдам қўлини чўзган ёшларға миннатдорчилиғини билдиришди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

«ТЕСТ БИЛИМДОНИ»: КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ!



Куни кеча Қорабулоқ ҳудудида ёш авлодға таълим бераётган 22та мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари ўртасида «Тест билимдони» танлови ўтди.

Анъанавий танловда 230дан зиёд ўқувчи иштирок этди. ЯМТ шаклида ўтган ушбу масъулиятли синовға ёшларимизнинг келажағи учун қатор йиллардан бўён моддий ёрдами аямай келаётган Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси, саховатпеша тадбиркор Бадритдин Нишонкулов ҳомийлик қилди. Анъанаға кўра, ҳомий томонидан ажратиладиган маблағ 10 нафар энг кўп балл тўплаган ўқувчиларға ва тест натижаларига кўра, энг юқори кўрсаткичға эға 3 мактабға тақсимлаб берилди.

Ой сайин ўтказилаётган ушбу тадбирда 3-ўринни Т. Рус-тамов номидағи мактаб-гимназияси, 2-ўринни 100-сонли мактаб, 1-ўринни Жамбил номи мактаб жамоаси эғаллади. Шунингдек, тенгдошлари орасида кўп балл тўплаган Зилола Тўйхонова, Рухсора Мирқаюмова, Малика Парпитоева, Диана Эрпўлатова, Гулсанам Неъматгуллаева, Динора Раҳмонкулова, Танима Усмоналиева, Гулнораэно Эргешова, Суннатилло Йулдошев, Муаттар Заҳриддиноваларнинг номларини фахр ва ғурур ила тилға олсак арзийди. Ушбу билимдон ўқувчиларнинг ҳар бири пул мукофотлари билан тақдирланди.

Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Б. Нишонкулов танловнинг ташкилий тадбирларига ёрдам қўлини чўзаётган Жуманқул Тошпўлатов ҳамда мактаб директорлари, устоз-мураббийларға миннатдорчилик билдирди.

Эндиликда 9- ва 10-синфлар ўқувчилари ўртасида “Тест билимдони” танловини ўтказиш режаланмоқда.

Билимдон ва рақобатбардош авлод таълим-тарбияси йўлида қўлни-қўлга берайлик, азиз ҳамюртлар!

«Жанубий Қозоғистон» муҳбири.
Тасвирларда: танлов ғолиблари Б. Нишонкулов билан.

»» Ўлкашунослик

ҚОРАБУЛОҚ ҲАҚИДА ЯНГИ ФИЛЬМ

Қорабулоқ – номи республикаға таниқли, иқтисодиёти жадал ривожланаётган, 58 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилаётган қишлоқ. Аҳолиси қадимдан чорвачилик ва деҳқончилик, шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиб келган, бугунги кунда ҳам турли жабҳаларда эл равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Дарҳақиқат, қишлоқ тарихи 2017 йили нашрдан чиққан Зумрад Аҳмедованин «Қўҳна ва навқирон Қорабулоқ» китобида батафсил ёритилган.

Яқинда қишлоқ Маданият уйида ушбу китоб асосида яратилган “Ягона халқ, ягона эл, ягона тақдир” фильмининг тақдироти ўтди. Унда меҳнат фахрийлари, зиёлилар, турли жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари, ота-оналар, талабалар ва ўқувчилар иштирок этишди.

– Муқаддам китоб асосида фильм яратиш ҳақида шиментлик ижодкорлар каминға мурожаат қилишган эди, – дейди лойиҳа муаллифи, Сайрам туманининг фахрий фуқароси, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси хотин-қизлар кенгаши раисаси Зумрад Аҳмедова. – Маълум бўлишича, лойиҳани амалға ошириш учун анчагина маблағ керак экан. Шунинг учун, чуқур ўйланиб, уни ўз кучимиз билан юзаға чиқаришға бел боғладик. Қишлоғимиз ҳокими К. Абдулаҳатовнинг далдаси бизға куч-қувват берди. Таъкидлаш жоиз, фильмини суратға олиш жараёни осон кечмади. Баъзи кунлар бир-икки дақиқалик тасвири суратға тушириш учун бир кунлик вақт сарфлашға тўғри келди. Бу ўринда видеотасвир устаси Азиз Абдурасуловнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Фильмда қишлоқнинг тарихи, бугунги қиёфаси, ушбу заминдан етишиб чиққан машҳур олимлар, устозлар, санъаткорлар, шифокорлар ва спортчилар, шунингдек, таълим ва тиббиёт масканлари, қорабулоқликларнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари ва анъаналари, таомлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

“Қўҳна ва навқирон Қорабулоқ” китобини тайёрлаш жараёнида академик Константин Юдахиннинг Қорабулоқ диалектиға оид илмий изланишлари ҳақидаги маълумотни ҳамюртимиз, фахрий устоз Мавлон Аҳмадқулов(Аллоҳ раҳматига олсин!) берган эди. Шундай улуг олимнинг Қорабулоқда яшаб, маҳаллий мактабларда дарс бергани кўпчилик учун аниғилик бўлди. Қозоғистон ватанпарварлиғи ҳамда ўзбек-қозоқ халқларининг азалий дўстлигини улуғлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш ушбу фильмининг бош мақсади эди.

Тадбирда сўз олган фахрий устоз Абдураҳмон Нишонбоев, таниқли суҳандон Абубакир Хонхўжаев, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг Сайрам тумани бўйича махсус муҳбири Зокиржон Мўминжонов, Сайрам туман маслаҳати депутати Бобур Қўрғонов, Қорабулоқ қишлоқ округи ҳокимининг ўринбосари Бахтиёр Шомуродовлар ушбу ҳужжатли фильмининг ўлка тарихини ўрғанишдаги аҳамиятини таъкидлаб, ижодий жамоаға самимий тилакларини етказишди.

3. Аҳмедова фильмининг яратилишида беғараз ёрдам кўрсатган Қорабулоқ қишлоқ округи ҳокими К. Абдулаҳатов, унинг ўринбосари Б. Шомуродов, шунингдек, “BEST-studio” раҳбари Азиз Абдурасулов, монтаж усталари Бунёд Раҳматуллаев ва Шахзод Ирисдавлатов, таржимон Ҳасан Исмоилов, аэросъёмка устаси Рафқат Исмоилов, суҳандонлар Нурлан Қилишбаев ва Гўзал Аҳмедова, овоз оператори Ҳалимжон Алиев, ёрдамчилар Ҳаётилло Искандаров ва Бунёд Баҳодиров, тасвирчилар Достон Ҳакимов ҳамда Ҳасан Исмоиловларға миннатдорчилик билдирди.

Тадбир якунида 3. Аҳмедова Қорабулоқ қишлоқ округи ҳокими К. Абдулаҳатов номидан ташақкурнома билан тақдирланди.

3. МЎМИНЖОНОВ.
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.



»» Огоҳ бўлинг!

ҚИЗАМИҚДАН ЭМЛАШ АСРАЙДИ

Қизамиқ ўта юқумли касаллик бўлиб, ҳаво томчилари орқали одамдан одамға юқади. Бугунги кунда хасталик болалар орасида кенг тарқалган. Туркистон вилоятида қизамиқ бўйича эпидемиологик вазият ёмонлашган. Рўйхатға олинган беморлар сони кундан кунға ўзгармоқда. Ваҳоланки, йил бошидан бўён вилоятда 441 нафар беморда ушбу хасталик аниқланган. 14 ёшгача бўлган болалар орасида 1003 ҳолат қайд этилган.

Қизамиққа қарши эмлаш касаллигининг олдини олишда жуда муҳимдир. Вакцина унинг осон ўтишиға ёрдам беради. Қизамиққа қарши 1 ва 6 ёшдаги болалар режали турда эмланади.

Қозоғистон Республикаси Бош дав-
лат санитария шифокорининг ҳамда республика ҳудудида қизамиққа қарши чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди. Унга кўра, жорий йил 5 декабрдан қизамиққа қарши эмлашдан қатъиназар, 6 ойдан бошлаб 10 ой 29 кунгача, 2 ёшдан 4 ёшгача 11 ой 29 кунгача болалар орасида оммавий эмлаш олиб борилади.

Шу билан бирға, 6 ойлик гўдакларни қизамиққа қарши кўшимча оммавий эмлаш эпидемиологик вазият барқарорлашгунға қадар 2 ёшдан 4 ёш 11 ой 29 кунгача бўлган болаларни эмлаш декабрь-январь ойи оралиғида юритилади. 4 ёшгача бўлган болалар тез-тез касалликка қалинган, уларнинг ақсариятини 1 ёшдаги, эмлаш ёшиға етмаган болалар ташкил этади.

Бугунги кунда болалар боғчалари ва мактабларда хасталик авж олган. Касаллик даври 7-14 кун давом этади.

Ёдда тутинг, касаллик тошма билан эмас, шамоллаш аломатлари билан бошланади. Иситма 38-40 даражагача кўтарилади, ҳолсизлик, иштаҳанингни йўқлиғи, қуруқ йўтал, бурун битиши ва ҳоказо аломатлар сезилади.

Касаллиқнинг олдини олиш учун: эмлаш, хонани тез-тез шамоллатиш, тозалаш, гавжум жойларда бўлмаслик, никоб тақиш тавсия этилади. Аҳоли қизамиқ билан сувчечакнинг фарқиға бориш зарурлиғини эслатамиз.

Н. НИШАНОВ,
вилоят СЭНД раҳбари.



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзоқ — **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
Тулебий — **Баҳорид ДУСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — **Хуршид ҚҶЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
Сайрам — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90
Тулкибош — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиғи.
Мулк эғаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродрлиғи.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларни тўғрилиқ учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларға ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиғи томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатға олинди. КЗ34ҲРҲ0022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 11800 нуҳса.

Бўғома: 3057

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.